



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА
КИТОБХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРБИЯЧИ ВА ОТА
ОНАЛАРНИНГ ХАМКОРЛИГИ**

Parmonova Feruza Abdurasulovna

Аннотация

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларда китобга нисбатан меҳр-муҳаббатни шакллантиришнинг аҳамияти тўғрисида фикрлар билдирилган. Мактабгача таълим муассасаларидаги тарбиячилар учун болада китобхонликни тарбиялашга доир методик кўрсатмалар, шунингдек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг оила билан ҳамкорлик ишларига доир тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: инновацион механизм, руҳий ҳиссиёт ва интуиция, адабиёт маркази, тарғибот, маънавият, ҳамкорлик

Аннотация

В статье излагается значимость формирования читательской культуры у детей дошкольного возраста. Даны методические инструкции для воспитательниц дошкольного образовательного учреждения по воспитанию у ребенка любви к книге, а также рекомендации по сотрудничеству воспитателей дошкольного образовательного учреждения и семьи.

Ключевые слова и понятия: инновационный механизм, психические чувства и интуиция,

Аннотация

the article the importance of formation reading cultures among children of preschool age is discussed. Methodical instructions for teachers of preschool educational establishment on training bibliophile at the child, and are given recommendation on cooperation with families in that regards.

Keywords: the innovative mechanism, mental feelings and intuition, the center of the literature,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сон қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сон фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сон қарорлари қабул қилинди. Жумладан:

– мактабгача таълим тизимида оид меъриёҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллаштирилганлиги;

– мактабгача таълимни амалга оширишнинг умумий турдаги, қисқа муддатли, хусусий ва оилада амалга оширишга қаратилган алоҳида дастур ҳамда методик қўлланмаларининг яратилганлиги;

– таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда илғор технологиялардан фойдаланиш орқали таълим олишнинг ихтиёрий усулидан фойдаланишга имкониятлар яратилганлиги;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда хорижий тажрибаларни ўрганиш ва илғор иш ва технологияларни амалда қўллаш учун хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилганлиги;

– сифатли ўқув-методик ва дидактик материаллар (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) ва бадиий адабиётларни тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиб борилаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Мактабгача таълим мазмунини яхшилаш ва белгиланган талабларни бола онгига сифатли сингдириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу масаланинг ечимида ташкил этилаётган ҳар бир машғулот ва машғулотдан ташқари фаолият турлари, фойдаланилаётган усул ва воситалар мазмун ва салоҳияти ётади. Маълумки, мактабгача ёш давридаги бола учун ташкил этиладиган фаолият турлари мазмун-моҳиятининг бола томонидан осон ўзлаштирилишини таъминлаш учун қулайликларнинг ҳисобга олиниши талаб этилади. Бола таълимтарбияси учун қўлланилаётган замонавий усул ва воситалар турли-туман, ёрқин ва жонли бўлиб, болада қизиқиш уйғота олмас экан, белгиланган мақсадга эришиш амри маҳолдир. Шу ўринда мактабгача ёшдаги болалар ҳаётида китоб ва ундан фойдаланишнинг ўрни хусусида тўхталиб ўтсак.

Маълумки, бола дунёга келар экан, унинг руҳиятида софлик, адолат, ишонч каби гўзал фазилятлар бирга дунёга келади. Энди бола қалбидаги бу гўзал фазилятларни сақлаб қолиш учун оила, жамият ва таълим тизими бунга тайёр бўлмоғи керак. Мана шу юксак вазифани амалга ошириш учун давлатимизда барча шартшароитлар яратилиши борасида кенг қўламли ишлар Ташкиллаштирилган бўлиб, фақат ундан унумли ва оқилона фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Китобхонлик инсонни маънавий бойитиб, унинг маънавий-маърифий баркамоллигини таъминлайди. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши маънавий тафаккурининг барқарорлигига боғлиқдир. Бу барқарорлик болаларга она қорнидан бошлаб китобга бўлган меҳр ва китобнинг ҳаёт сўқмоқларида учрайдиган маълум бир масалалар ечимида қўл келишини илғаб олишга ўргатиш орқали вужудга келади.

Болага чақалоқлигидан бошлаб, яъни бешикда ётган даврдан алла, эртак, ҳатто шеърларни образли айтилса, гарчи у тушунмасада, эшитади, майин оҳангни илғайди. Бу жараён тўхтаб қолмаслиги лозим. Асар қаҳрамонлари номига боланинг исмини қўйиб айтилса, бу кичкинтойга жуда ёқади. Масалан: Менинг қизим «Зумрад» каби ақлли ёки Ўғлим Сардорбек «Рустам»дек паҳлавон каби сўзлардан фойдаланиши ҳам болада эртак, хикоялар қаҳрамонларига қизиқишни оширади. Болада китобга

муносабат шу тариқа шакллантирила бошланади. Китобхонлик мактабгача таълим ёшидаги болаларни ҳар томонлама, жисмонан, руҳан ва ақлан ривожланишида муҳим ўринга эга. Халқ таълими вазирининг 2016 йил 30 декабрдаги 315-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режасининг 4-бандига мувофиқ, мактабгача таълим муассасаларида кичик кутубхоналарни ташкил этиш, болаларнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини барвақт уйғотиш мақсадида болалар ва ота-оналар учун зарур бўлган бадиий адабиётлар билан таъминлаш, шунингдек, педагог кадрлар ва болалар учун кичик кутубхона фаолиятини ташкил қилиш мақсадида С.С.Миржалилова, И.В.Грошева, М.Нишановаларнинг «Мактабгача таълим муассасаларида кичик кутубхона яратиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва болалар бадиий адабиётидан самарали фойдаланиш бўйича» йўриқномаси асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида китобга қизиқиш уйғотиш учун етарли ва қулай шароитларни яратиш зарур. «Мактабгача таълим муассасаларида кичик кутубхона яратиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва болалар бадиий адабиётидан самарали фойдаланиш бўйича йўриқномада мактабгача таълим муассасаларида

кичик кутубхонани ташкил этишга бир қатор талаблар белгилаб берилган:

- кичик кутубхона жойлашадиган хонани аниқлаш.
- хонани зарур жиҳозлар, яъни китобларни намойиш қилиш ва сақлаш учун жавон, болалар ва ота-оналар учун стол ва стуллар билан жиҳозлаш;
- қулай жойлашуви – шовқин ва оёқ товушлари бўлмаслиги учун эшикдан узоқроқда тинч жой танлаш;

• кундузги ва кечки вақтларда яхши ёритилганлиги – боланинг кўриш қобилиятига зарар

етказмаслик учун ёруғлик манбаига яқин (ойнадан узоқ эмаслиги, кечқурун ёриткичнинг мавжудлиги) бўлиши;


- кичик кутубхона шинам, жозибали бўлиши;
- кичик кутубхонанинг жавон, китоб токчаси каби жиҳозлари шундай жойлашган бўлиши

керакки, ҳатто энг кичик бола ҳам хоҳлаган вақтда ўзига ёққан китобни бошқаларнинг ёрдамсиз қўлини чўзиб бемалол оладиган бўлиши лозим;

• кичик кутубхона китоб токчаси, очик витрина кўринишида безатилиши мумкин, шунингдек;

• кичик кутубхонада ташкил этиладиган адабиётлар танлови ва педагогик ишлар болаларнинг ёш хусусиятлари ва эҳтиёжларига мос бўлиши керак;

• кичик кутубхонадаги материалларни алмаштириш болаларнинг қизиқиши сусая бошлаши билан байрамлар, машҳур саналар ва воқеалар арафасида 2-2,5 ҳафтада бир



марта амалга оширилади, агар китобга қизиқиш йўқолса, уни белгиланган вақтни кутмасдан алмаштириш мумкин.

Шунингдек, кичик кутубхонани халқ эртаклари, муаллифлик эртаклари, шеърлар, ҳикоялар табиат, йил фасллари оид адабиётлар билан тўлдирилиши лозимлиги кўрсатилган. Тарбиячи болаларга турли ривоят, эртак ва ҳикояларни оғзаки айтиб бериш билан бирга уларни китоблардан ўқиб бериши ёки уларнинг дискларда ёзилган намуналарини қўйиб бериши маъсадга мувофиқ бўлади. Тарбиячи болаларга китобларни асрабавайлашни ҳам ўргатади. Бола ўқишни билмаса-да, ундаги рухий ҳиссиёт ва интуиция китоблар дизайнига эътиборини кучайтиради, яъни рангли, чиройли ва ўзига жалб қилувчи китобларда болалар ўзларига аталган маълумотлар борлигига ишонч ҳосил қилишади.

Мактабгача ёш даврида эртак ва ҳикояларни кўп эшитган бола нутқи рафон, фикрлаши тиниқ, ҳаёлот олами чексиз бўлади. Ўтказилган тажрибалар мактабгача таълим муассасаларидан таълимнинг навбатдаги босқичига борган болалар билан оиладан борган болалар ўртасида рафон нутқнинг ривожланиш даражаси ва мустақил фикрлаш имкониятларида сезиларли фарқ борлиги ва бу ҳолат боланинг мактабнинг бошланғич синфларида яхши баҳоларга ўқишига ўз таъсирини кўрсатишини белгиламоқда. Бугунги шиддатли ривожланиш даврида эртак, ҳикоялар айтишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг сабаби компьютер ўйинлари, телевидениеда берилаётган мультфильмлар, эртак қаҳрамонлари акс этган ҳаракатли ўйинчоқлар болада афсонавий девлар, учар гиламлар, ялмоғиз кампирларга қизиқишини қийинлаштиради. Бу муаммони ҳал этишда халқ оғзаки ижоди билан таништириш ишларига зарар келтирилмаган тарзда замонавий бугунги кун боласининг орзу-истаклари, ҳаёлларига мослаштирилган мазмундаги воқеа-ҳодисаларга бой эртак ҳикоялар, шеърлар, топишмоқ-у тез айтишлар яратиш зарур. Яратилган асарлар бола дунёсининг тараққиётига таъсир этувчи куч бўлиб хизмат қилиши керак. Бола яратилган асарларни тинглар экан, ўзини ва ўзлигини англаш, атроф-муҳит, табиатни қадрлаш, одамларга меҳрли, Ватанига садоқатли бўлиш, Она диёрини улуғлаш, ундан фахрланишни ўрганади. Бундан ташқари, эшитиш ва тушуниш бола саломатлигига кучли таъсир кўрсатиб, боладаги турли психологик камчиликларнинг баргараф этилишига сабаб бўлади ҳамда бола мия фаолияти фаоллашади.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига болада китобга нисбатан қизиқишни

ошириш учун қуйидаги иш усулларида фойдаланишларини тавсия этамиз:

- тарбияси болага Ватанга муҳаббат, отаонага ҳурмат, дўстлик, одоб ва меҳнатсеварликка оид тушунчаларни китобларда берилган эртаклар, мақоллар, ривоятлар орқали сингдириб бориш жадвалини ишлаб чиқиши керак;

- ҳар бир асар юзасидан суҳбатлар, сахна кўринишларини ташкил этиш ва машғулларда бирор муаммоли вазиятлар юзасидан «келинглар, китобимизга бир

қарайлик-чи, унда нималар ёзилган экан?» каби таклифлар билан китобга таянишга ўргатиш;

- мактабгача таълим муассасаларида болалар билан китобхонлик кечалари, мулоқот, давра суҳбатлари, «Китоб байрами», «Китоб бобо ташрифи», «Эртакчи момо билан учрашув», «Отам, онам ва мен эртак айтамыз» кўрик танловлари каби тадбирлар ташкил этиш;

- болага айtilган эртаклар якуний қисмини ўзи тўқишига имкон бериш;

- эртак ва ҳикоя қаҳрамонлари акс этирилган расмлар ичидан айtilган асар қаҳрамонини топиш ёки оғзаки таъриф бўйича уни таниш, айtilган жумлалар қайси асардан парча эканини топиш, эшитган эртак, ҳикояси асосида расм чизишга таклиф этиш каби машқлар ўтказиш;

- кун тартибига «Янги эртак соати»ни киритиш;

- мактабгача таълим муассасасида ташкил этиладиган турли тадбир ва мусобақаларда бола учун тайёрланган совринлар орасида албатта китоб бўлишига эътиборни қаратиш;

- ота-оналар ўртасида боланинг китобга муносабатини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, амалий тадбирлар ўтказиш, билан бирга ота-оналарнинг ҳам мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган китоблар ва унинг мазмуни бўйича билим ва тушунчаларини бойитиб бориш, болалар учун яратилган янги китоблар тарғиботини ўтказиш каби самарали усул ва методлардан фойдаланиш мумкин. Н.И.Новиковнинг қайд этишича, «Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустақамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ». Шу боисдан, болада китобга ижобий муносабатнинг сингдирилишида оила билан ҳамкорликнинг ўрни муҳимдир. Жумладан:

- болага кўпроқ китоб олиб бериш;

- ота-оналар мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган китобларини янги нашрлари

билан танишиб боришлари, ўқиб чиқишлари ҳамда ўзлари ўқиган китоблари ҳақида болаларига сўзлаб беришлари;

- эртак ва ҳикояларни айтиб беришда образлиликка эътиборни қаратиш;

- ҳар бир оилада шахсий кутубхоналарнинг бўлиши каби ўринли фикрлар билдирилди.

Демак, тарбиячи ота-оналар билан ишлашда уларнинг айтган фикр ва мулоҳазалари амалиётга эътиборни кўпроқ қаратиши зарур, яъни ота-оналардан фарзанди учун қандай китоблар

сотиб олганлиги, қандай эртак ёки ҳикояларни билиши ва фарзандига қай йўсинда айтиб бераётгани, қайси мақол, топишмоқ, тез айтишларни билиши ва улардан қай мақсадда фойдаланаётгани кабилар хусусида ҳам фикрлашиши, таҳлил қилиши ва

уларга методик маслаҳатлар бериши зарур.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ота-оналарга боланинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мувофиқ оила даврасида ўқиши учун турли асарларни тавсия қилади, болага

бадий адабиёт билан таништириш усуллари ва йўлларини кўрсатади. Ота-оналарнинг эътиборини оилавий театрларни ташкил этиш, болани ўйин фаолияти ва расм чизишга жалб қилиш, унинг бадий адабиёт билан танишиш йўлидаги қизиқишини ривожлантириш имкониятига қаратади. Ота-оналарни боланинг нозик дидини ривожлантиришга қаратилган бадий ва мультипликацион фильмларни танлашга йўналтиради. Ота-оналар билан биргаликда болаларнинг адабий меросни фаол билишига йўналтирилган танловлар, адабиёт викториналари, театр сахна кўринишлари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилади.

Ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари ва мавзуга доир адабиётлар мазмунидан келиб чиқиб, оила шароитида китоб билан ишлаш усуллари таклиф этамиз:

- болага санамалар, такрорланувчи жумлалари бўлган болалар шеърлари, расмли китобчалардаги турли ҳикояларни мунтазам равишда ўқиб бериш;

- болага ўқиб бериш учун унга ҳайвонлар, ўйинчоқлар, динозаврлар, цирк ва шу кабилар

тўғрисидаги ҳикояларни танлаш;

- бола билан мулоқотга кириш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланиш: кичкинтой билан

суҳбатлашиш, унинг китоб ва атрофдаги нарсалар ҳақидаги саволларига жавоб бериш;

бадий асарни тинглаш вақтида болага қалам, қайчи, қоғоздан эркин фойдаланишга рухсат бериш;

- кичкинтой сўзлаб берган ҳикояларни ёзиб бориш;

- вақти-вақти билан болани китоб дўконига ёки кутубхонга олиб бориш ва бунда болага,

биринчидан, расталар ёки ўқув залидаги китобни варақлаб кўриш; иккинчидан, китобларни танлаш ва ўзи билан олиб кетиш имкониятини яратиш;

- фарзандингизнинг қизиқишларини қўллабқувватлаш ва сабрли бўлиш.

Булардан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида болалар ёзувчилари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки тарбиячи бола қалби дунёсини амалиётчи сифатида кўради ва тушунади. Унинг эҳтиёж ва қизиқишларини энг яхши англовчиси ҳамда билувчиси ҳисобланади. Тарбиячи булар тўғрисида оддий тилда ёзувчи билан фикрлашса, ёзувчи ушбу фикр ва ғояларни сайқаллаб, болага таъсир этувчи сўз ва гаплар, воқеа-ҳодисаларни ўринли моҳирона ифодалаб, адабиётда янги бурилиш ясади ва энг яхши болалар асари дунёга келади. Яхши ва янги асарлар боланинг маънавиятини шакллантириш билан бирга, унинг китобга муҳаббатини ошириш учун хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2017 йил 9 июндаги 5-мх-сон буйруғи билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2898.
2. Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг 2016 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2707-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси» тўғрисидаги 315-сон буйруғи.
3. Умарова В., Рахмонқулова З. «Болажон» таянч дастури бўйича адабиёт тўплами. – Т.: «Бекинмачоқ-плюс», 2012.
4. Миржалилова С.С, Грошева И.В, Нишанова М. Мактабгача таълим муассасаларида кичик кутубхона яратиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва болалар бадиий адабиётидан самарали фойдаланиш бўйича йўриқнома. / Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика Марказида ташкил этилган Илмий-методик кенгашнинг 2017 йил 25 январдаги навбатдан ташқари 1-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган.
5. Тафаккур гулшани. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари. / В.Воронцов композицияси. Тарж. Ш.Абдураззоқова. – Т.: Г.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. сайти.